

2025 ЙИЛ – АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета № 27 (1353), 2025 йил 7 февраль, жума



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



КИМЁ СANOАТИДА ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИБ, НАТИЖАДОРЛИКНИ ОШИРИШ МУМКИН

Президент Шавкат Мирзиёев 6 февраль куни кимё саноатида 2025 йилги режалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Сўнгги йилларда бу тармоқда сезиларли ўзгариш бўлгани, янги технологик заңжирларни яратиш учун инвестицияларга кенг йўл очилгани билан, йирик кимё заводлари фаолияти ҳали замон талаблари даражасида эмаслиги қайд этилди.

Шу боис, танкидий руҳда ўтган йиғилишда соҳадаги долзарб масалалар муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга ҳали ишлатилмаган

имкониятларни, ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни аниқ кўрсатиб ўтди. Масалан, илгор технологияларни жорий этишни жадаллаштириб, кимё корхоналарида қўшилган қийматни ҳозиргидан бир неча баробар ошириш мумкин.

Президентимиз бу борадаги камчиликларни қайд этиб, юқори технологияли инвестиция лойиҳаларини қаррасига кўпайтириш вазифасини қўйди.

Ҳукуматга тармоқдаги муаммоларни тезкор ҳал этиш, мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш ва лойиҳаларни жадаллаштириш бўйича қатъий топшириқлар берилди.

Тармоқдаги ҳар бир корхонани рақамлаштириш, қувватлардан оқилона фойдаланиш, энергия самарадорлигини ошириш ва таннархни камайтириш бўйича мутасаддиларга аниқ вазифалар белгиланди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН — МАЛАЙЗИЯ: МУНОСАБАТ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЙЎЛИДА ТАРИХИЙ ҚАДАМ

Жануби-Шарқий Осиёнинг иқтисодий марказларидан бири — Малайзия билан Ўзбекистон муносабатлари янги тараққиёт босқичига қадам қўймоқда. Кейинги йилларда икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик кўп қиррали тус олиб, стратегик аҳамият касб этмоқда.

Давоми 2-бетда



ЯНГИЧА ИШЛАШ ВА ФИДОЙИЛИК

Сўнгги йилларда дунёда кечаётган шиддатли ўзгаришлар мамлакат ва корхоналар олдига қўйилмаган вазифа ҳамда муаммоларни қўймоқда.

Жаҳон иқтисодиётининг таркиби ўзгариб, тармоқларга рақамлаштириш ва сунъий интеллект каби юқори технологиялар жадал кириб келмоқда. Электроника, машинасозлик соҳалари ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришда “яшил” иқтисодиёт тез суръатда ривожланаётгани кон-металлургия корхоналари маҳсулотларига талабни ҳам оширапти.

Соҳа экспертларининг маълумотига кўра, 2030 йилга бориб, дунёда мис, литий, кобальт каби металлургия талаб 1,5 баробардан 7 баробаргача ошиши кутилмоқда. Бу эса маъмурий қазилма бойликларини қайта ишловчи йирик компаниялардан барча жараёни модернизация қилиш, рақамлаштириш ва сунъий интеллект, инновацион ҳамда “яшил” технологияларни кенг қўллашни талаб этади. Дунёда кон-металлургия соҳасида етакчи ўринларда турган Ўзбекистон олдига ҳам муҳим вазифаларни қўймоқда.

Давоми 4-бетда

ОЛДИМИЗГА ҚЎЙИЛГАН ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА

Тараққиёт одимлари



9 февраль — Алишер Навоий таваддуғ тоналган кун

ҲАЗРАТ НАЗАРИ ТУШГАН ЮСИРАЛАР

Давлатимиз раҳбари 2024 йилнинг 31 октябрь – 1 ноябрь кунлари Навоий вилоятига ташрифи чоғида 2025 йилни вилоятда “Алишер Навоий йили” деб эълон қилди ва Навоий шаҳрида халқаро миқёсда “Навоийхонлик кечаси”ни ўтказишни таклиф этди. Бу таклифни ўқир эканман, менда Ҳазрат Навоий ҳақида биз, зиёлилар нималар биламиз ва уни халққа етказиш йўлида нечоғлиқ камарбаста бўлиб турибмиз деган савол пайдо бўлди. Навоийни қанча ўргансак, шунча оз: Чунки у билимлар уммони, фикрлар чақмоғи, нафосат чаманидир.

Бир ижодкор сифатида Ҳазратнинг назарига тушган аёллар ҳақида ўйлаб бошладим. Унинг асарлари ичра аёллар номини изладим. Топдим, қувондим, фахр этдим ва сизга ҳам илдиндим. Яна бир ориқли фикр сўроқларим осмонда чақмоқдай чақди. Агар биз, сафдош шоирлар Навоий даврида яшаганимизда ул зотнинг назарига мушарраф бўлармидик? Улуғ шоир эътиборига лойиқ қалам тебратга олимизми?

Шоир асарларида жами тилга олган 30 дан ортиқ аёлнинг ярмидан кўпи бадиний тўқима образ бўлса, қолганлари тарихий шахслар. Бу аёллар Навоийдан аввал ўтган ва замондош бўлган шоирлардир ва Ҳазратнинг назари бежиз уларга тушмаган.

Туркий тилдаги илк тазкира бўлмиш “Маҷолис ун-нафоис” (“Нафис маҷлислар”) да 459 та замондош шоир ҳақида сўз кетган. Улар орасида аёлларнинг номи ҳам бор. Бу шоирларнинг исми Навоий туфайли тарихга муҳрланди.

Давоми 6-бетда

ДУНЁНИНГ МАФКУРАВИЙ МАНЗАРАСИ

Бу жараёнда фақат уйғоқ жамиятлар ғолиб

Яқинда 10 йилдан кўпроқ муддат Жанубий Кореяда шартнома асосида ишлашга кетган курсдошим юртимизга қайтиб келди, Тошкентда, Бухорода суҳбатдош бўлди, шаҳарларни айландик. Шунда дўстим ўз юртидан анча муддат узокда бўлгани учунми, Тошкент ва Бухородаги ўзгаришлар, осмонўпар бинолару, одамларнинг ўз ҳаётидан мамнунлиги, замонавий машиналарда юриши, ёшлар учун гавжум ҳудудлар кўпайиб, уларнинг билим олишга, касб эгаллашга иштиёқини кузатиб, ҳайратини яшира олмади.



Яна бир манзарадан завқланганини эътироф этди: қаҳрамонларда халқимиз оиласи, яқинлари, дўстлари билан шод-хуш рам овқатланмоқда, ҳордиқ чиқармоқда.

Ҳа, албатта, сўнгги саккиз йилда Ўзбекистон тарихчилигида янги саҳифалар очилди. Вилоятлардаги шаҳар, туманлар қиёфаси буткул ўзгарди. Бунга сабаб оқилона сиёсат туфайли, аввало, бошқарувдаги ҳар бир раҳбарнинг

тафаккурига “Ислохотлар ислохот учун эмас, аввало, инсон учун” бош ғояси сингдирилиши бўлди. Халқимиз тафаккурда ҳам яхши кунларга ишонч, умид қуртак очди. Яхши, қулай иш ўринлари яратилди, “Бизга шу ҳам бўлаверадик” деб эски эмас, кўркем, замонавий биноларда яшаш имкони берилди. Бугун саноги анча салмоқли катта завод, фабрикалар, ишлаб чиқариш корхоналари, савдо ва

тижорат, умуман, хонадонлардаги кичик бандликдан тортиб, энг йирик заводларгача ишга туширилди.

Бир фуқаро — Ўзбекистоннинг бир вакили, бугун биз 37,5 миллиондан ошдик. Барчамиз бирлашсак, барқарор ривожланиш сари одимлаймиз. Шунга яраша улкан мақсадлар сари борапмиз.

Давоми 3-бетда

Табиатни асраш – инсонни асраш



ЙИЛИНГИЗ ЯШИЛ БЎЛСИН!

ЭЗГУ НИЯТ ОРТИДАГИ ЧАҚИРИҚ

Янги йил байрамида бир қариндошимизнинг хонадониди меҳмон бўлди. Хонадон соҳиби узок йиллар турли лавозимларда ишлаган, маърифатли инсон. Шунга яраша суҳбатидан кўнгил ёришадик. Дастурхонга тортилган таомларни еб бўлгач, уй эгасидан дуо сўрадик. У дуо орасида “Йилингиз яшил бўлсин!” деди. Негадир бу ният хотирамга муҳрланиб қолди.

Бугунга келиб, “яшил” ҳаёт тушунчаси доимий эҳтиёжга айланиб қолган. Сабаби борган сари “яшил” энергетикадан бошқа қувват манбаларининг ҳажмини ҳисоб-китоб қилиш осонлашиб борапти. Шу туфайли жуда кўп “қора олтин”га бой мамлакатлар даромадининг бир қисmini қайта тикланувчи энергия манбаларини яратишга сарфлаётди. Албатта, бу йўлдаги ҳар бир хатти-ҳаракат катта аҳамият касб этади. Сабаби “яшил” энергетиканинг афзалликлари жуда кўп. Улардан бири — экологининг мусофқолиғига ҳисса қўйиш. Табиатни мувозанатда сақлашнинг қоида-си ниҳоятда содда — ҳавога кўтарилаётган зарарли газ оқимини қисқартириб, кислород манбаларини кўпайтириш.

Тадқиқотларга кўра, битта даракхт бир йилда ўртача 120 кило кислород ишлаб чиқаради. Шунингдек, умри давомида салкам 1 тонна карбонат ангидрид газини ютади. Бир одам эса йилга ҳавога ўртача ярим тоннага яқин карбонат ангидрид чиқаради. Ўртача ёшни 70 ёш деб олсак, бир киши ҳавога чиқарадиган зарарли газни ютиш учун 35 тул даракхт керак бўларкан. Бу — ўсимликларнинг зарарни қоплашдаги хизмати. Уларнинг одамзодни тоза ҳаво билан таъминлаш вазифаси ҳам бор.

Ҳар биримизга нафас олиш учун бир йилда 600 кило атрофида кислород зарур. Демак, бир кишини кислород билан таъминлаш учун камиди 5-6 тул даракхт керак бўлади. Камиди! Сабаби даракхтларнинг ҳам кислород ишлаб чиқариш фони турлича бўлиши мумкин.

Табиат мувозанати бузилмаслиги учун ҳар бир жон бошига йилга ўртача 20 тул даракхтнинг хизмати даркор. Битта ўзбек оиласида ўртача 5 киши яшайди, десак, бу битта оила учун камиди 100 тул даракхт зарур дегани. Битта маҳалла ёки қишлоқда ўртача 100 та оила яшайди деб олсак, 10 минг тул даракхт бўлиши лозим. Бу ўртача 100 та оила яшайдиган ҳудудда даракхтлар учун умумий 7 гектар майдон ажратилиши зарурлигини аниқлатади.

Мамлакатимизда томорқали хонадонларнинг умумий майдони ўртача 6 сотих атрофида. Бу ҳовлининг кўпи билан 2-3 сотихини даракхт ва ўсимликлар экишга ажратиш мумкин, дегани. Максимал ҳисоблаганда 100 та оила яшайдиган ҳудудда яшил майдон барпо этиш учун 3 гектар ер ажратилиши мумкин. Бу даракхтларга эҳтиёжнинг ярмини ҳам қопламайди. Нима қилиш керак? Бунга инсоният аллақачон ечим топган — боғлар, ўрмонлар, яшил ҳудудлар барпо этиш лозим.

Давоми 5-бетда



ЎЗБЕКИСТОН — МАЛАЙЗИЯ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЙЎЛИДА ТАРИЖИЙ ҚАДАМ



Нодир ЖУМАЕВ,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Малайзиянинг географик жойлашуви Ўзбекистон учун муҳим афзалликлар яратди. Малай ярим оролида жойлашган бу давлат орқали мамлакатимиз Осиё-Тинч океани минтақасининг улкан бозорларига чиқиш имкониятига эга бўлади. Айниқса, Малакка транспорт йўлида алоҳида аҳамиятга эга. Бу йўлак Жанубий Хитой денгизини Ҳинд океани билан туташтириб, Европа ва Шарқий Осиё ўртасидаги савдо оқимларини боғловчи кўприк вазифасини ўтайди.

Малакка коридори дунёнинг энг гавжум худудларидан бири. У Ҳиндистон, Хитой ва АСЕАН давлатлари каби аҳоли зич жойлашган минтақаларни бир-бирига боғлайди. Бу эса Ўзбекистон учун нафақат Малайзия, балки бутун Жануби-Шарқий Осиё давлатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш имконини беради.

Икки мамлакат ўртасидаги савдо алоқалари ўзига хос хусусиятларга эга. Малайзиядан асосан, ёғ-мой маҳсулотлари, машина ва транспорт эҳтиёт қисмлари, озиқ-овқат ва кимёвий маҳсулотлар импорт қилинади. Ўзбекистон эса кимё саноати маҳсулотлари, тўқимачилик буюмлари ва қайта ишланган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экспорт қилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Малайзияга ташрифи икки томонлама муносабатларда янги саҳифа очди. Бу ташриф нафақат дипломатик алоқаларни мустаҳкамлаш, балки мавжуд юқори салоҳиятдан самарали фойдаланиш орқали ҳамкорликни янги bosқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Дунёдаги геосийосий ҳолат ва ноанъанавий муносабатлар шароитида бу омил жуда муҳим. Ташриф икки давлат ўртасидаги муносабатларни янги bosқичга олиб чиқиш,

савдо-иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва стратегик шерикликни кучайтиришда катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ва Малайзия ўртасидаги дипломатик алоқалар 1992 йилда ўрнатилган, бугунги кунга қадар икки давлат ҳамкорлиги изчил ривожланиб келмоқда. Давлатлараро муносабатларнинг барча жабҳаларида, хусусан, иқтисодий-сийсий, илмий-маданий ва таълим соҳаларида самарали натижаларга эришилаётди. Сийсий жабҳада мунтазам равишда юқори даражадаги учрашувлар ўтказилиб, парламентлараро алоқалар ривожлантирилмоқда. Давлатлар халқаро ташкилотлар доирасида ҳам фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Айтиш ўринлики, ташриф доирасида эришилган келишувлар мамлакатимизнинг иқтисодий, илмий-маданий салоҳиятини юксалтиришда катта аҳамият касб этади. Хусусан, Стратегик шериклик йўлида икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида қўшма баёнотнинг имзоланиши ҳамкорликнинг барча йўналишларини янада ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратди. Бу эса, ўз навбатида, таълим, фан ва маданият соҳаларидаги алоқаларни янги bosқичга олиб чиқиш имконини беради.

Давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар, айниқса, иқтисодий соҳада жадал суръатларда ўсмоқда. Бунни икки томонлама савдо айланмасининг юксалиши ва турли тармоқлардаги фаол ҳамкорлик мисолида кўриш мумкин. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2017-2024 йиллар оралигида икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 65,5 миллион доллардан 102,4 миллион долларгача кўтарилиб, 1,6 баробар ўсиш қайд этилди. Экспорт 1,3 марта, импорт эса 1,6 марта ошди. Бу кўрсаткичлар ўзаро савдонинг ривожлантиришга бўлган илтиш кучайганини кўрсатади.

Кейинги саккиз йилда Ўзбекистон асосан, кимёвий ўғитлар, хизматларни экспорт қилган бўлса, Малайзиядан палма ёғи, ҳайвонот ва ўсимлик мойлари, кимёвий ва ювчи воситалари, озиқ-овқат, тайёр маҳсулотлар ҳамда хизматлар импорт қилинди.

2024 йилги экспорт 6 миллион долларни ташкил этиб, унинг 41 фоизи озиқ-овқат маҳсулотлари (сабзавот, дуккакли ўсимликлар ва мевалар), 55 фоизи кимёвий моддалар, хусусан, ўғитларга тўғри келди. Импорт эса 96,4 миллион долларни ташкил этди. Унинг таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари (какао кукунни, кофе экстракти, соуслар ва қандолат маҳсулотлари) — 23, ҳайвонот ва ўсимлик ёғлари — 44, ювчи воситалари ва спиртли аралашмалар — 14, машина ва транспорт ускуналари — 9, транспорт хизматлари — 4, тиббий маҳсулотлар — 2,1 фоизни ташкил этди.

2017-2024 йиллар давомида Малайзиядан жалб этилган тўғридан тўғри хорижий

инвестициялар ва кредитлар ҳажми 12,9 миллион долларга етди.

Келтирилган рақамлар ва йўналишлар икки давлат ўртасидаги иқтисодий-савдо алоқаларини янада ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатади. Ўзаро савдо ва инвестицияларга қизиқишнинг ортиси асосий тармоқларда ҳамкорликни кучайтириш имконини бермоқда. Бу эса иқтисодий ўсишга, бандликни ошириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади. Ҳамкорликни самарали ривожлантириш учун комплекс ёндашув ва мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш талаб этилади.

2025-2026 йиллар Ўзбекистон — Малайзия шериклигини инновацион ривожлантириш даври деб эълон қилиниши алоҳида эътиборга молик. Ушбу даврда рақамли технологиялар, sunъий интеллект ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. Бу эса ёшларимизнинг



замонавий касб-ҳунарларни эгаллашида муҳим аҳамият касб этади.

Тошкент вилоятида Малайзия компанияси бошқарувида махсус иқтисодий зона ташкил этилиши режалаштирилганини ҳам қайд этиб ўтиш жоиз. Бу лойиҳа доирасида нафақат иқтисодий, балки илмий-технологик ҳамкорлик ҳам йўлга қўйилади. Мазкур зонада инновацион марказ, тадқиқот лабораториялари ва ўқув маркази ташкил этиш кўзда тутилган.

Товар айирбошлаш ҳажмини ошириш мақсади имтиёзли савдо тўғрисидаги битимни ишлаб чиқиш, ўзаро саноат кўргазмаларини

ўтказиш, саноат кооперацияси дастурини қабул қилиш бўйича келишувларга эришилди. Бу эса, ўз навбатида, икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янги bosқичга олиб чиқиш имконини беради.

Ташриф натижалари бўйича қабул қилинган ҳужжатларнинг самарали ижросини таъминлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу мақсадда мунтазам равишда парламент назоратини олиб бориш, жойларда мониторинг тадбирларини ўтказиш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, келишувларнинг ижроси юзасидан ҳар чоракда ҳисоботлар эшитилиши, зарур ҳолларда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахборотлари тингиланиши самарадорлиқни таъминлашга хизмат қилади.

Ташриф давомида инвестициявий ҳамкорликни кучайтириш бўйича қатор келишувлар имзоланди. Хусусан, уларда энергетика ва қайта тикланувчи манбалар соҳасида инвестиция лойиҳаларини ҳаёtgа таъбиқ этиш, нефть-кимё ва фармацевтика соҳаларида қўшма корхоналарни ташкил этиш, Малайзиянинг етакчи банклари ва молия институтлари билан ҳамкорликни кучайтириш масалалари ўрин олган.

профессор-ўқитувчилар алмашинуви, қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш режалаштирилган. Айниқса, “Visiting Professor” дастури орқали малакали педагогларимизнинг Малайзия университетларида фаолият юритиши истиқболли йўналиш ҳисобланади. Бундан ташқари, Малайзиянинг етакчи университетлари билан ўрнатилган алоқалар асосида талабалар алмашинуви дастурларини йўлга қўйиш, масофавий таълим имкониятларидан фойдаланиш бўйича ҳам келишувларга эришилди.

Илм-фан соҳасидаги келишувлар ҳам алоҳида эътиборга молик. Малайзиянинг илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш масаласи доимий эътиборда бўлади. Хусусан, Ислом тафаккури ва цивилизацияси халқаро институти билан имзоланган меморандум доирасида қўшма тадқиқотлар олиб бориш, илмий-техник салоҳиятни ошириш имконияти яратилди. Шунингдек, Малайзия таърибасини ўрганиш ҳолда, илмий тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш механизмларини тақомиллаштириш бўйича келишувларга эришилган катта самара бериши шубҳасиз.

Мамлакатларимиз ўртасида маданий тадбирлар ва фестиваллар ташкил этиш, музейлар ва маданият муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш бўйича ҳам муҳим келишувларга эришилди, жорий йилда икки томонда ҳам маданият ҳафталикларининг ўтказилиши режалаштирилган фикримизни тасдиқлайди. Шунингдек, Малайзия Ислом санъати музейи билан ўрнатилган алоқалар маданий меросимизни халқаро миқёсда тарғиб қилиш имконини

ўртасида академик ҳамкорлик келишувлари имзоланган эди. Утган давр мобайнида ушбу келишувлар ижросини таъминлаш мақсадида илмий-техникавий соҳада икки давлат олимлари ўртасида таъриб алмашинуви йўлга қўйилди. Қўшма илмий тадқиқотлар, конференция ва семинарлар ўтказиб келинмоқда. Малайзиянинг илгор технология ютуқларини Ўзбекистонга жорий этиш бора-сида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Натижада таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги Ўзаро алоқалар жадал ривожланиб, Техник ҳамкорлик дастури доирасида мамлакатимиз вазирлик ва идоралари мутахассисларнинг малакасини ошириш мақсадида 850 дан ортқ мутахассис Малайзияда касбий таъриб орттирди. Ҳозирги вақтда Малайзиянинг нуфузли университетларида 500 дан зиёд ёшларимиз тахсил олмақда.

Бу эса иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларнинг янада чуқурлашувига хизмат қилмоқда. Малайзиянинг нуфузли университетлари билан қўшма таълим дастурлари йўлга қўйилган. Ўзбекистонлик талабалар Малайзияда тахсил олиш имкониятига эга.

Инновацион технологиялар, нанотехнологиялар, биотехнологиялар ва бошқа замонавий йўналишларда қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Малайзиянинг илмий-тадқиқот марказлари таърибаси Ўзбекистонда кенг ўрганилмоқда.

“Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда олиш таълим соҳасидаги имкониятлар ва ташаббуслар” мавзусида бўлиб ўтган биринчи Ўзбекистон — Малайзия таълим форумининг ташкил этилиши, унинг доирасида 50 дан ортқ шартномалар имзолангани таълим ва илмий алмашинувларга янги руҳ бахш этади. Бу, ўз навбатида, икки давлатнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, инновацион ривожланиш ва Ўзаро ҳамкорлик мустаҳкамлашига хизмат қилади.

Эришилган келишувларга кўра, юртимиз талабалари учун Малайзия олий таълим муассасаларида тахсил олиш учун грантлар ва имтиёзли дастурлар сони оширилиб, илмий тадқиқот ва академик алмашинув дастурлари кенгайтирилди.

Истиқболдаги режаларга эътибор қаратсак, икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш учун кўплай имконият мавжудлигини кўришимиз мумкин. Булар савдо-иқтисодий алоқаларни диверсификация қилиш ва товар айланмаси ҳажмини ошириш, инвестициявий ҳамкорликни кучайтириш ва қўшма корхоналар сонини кўпайтириш, инновацион технологиялар соҳасида таъриб алмашинувини кенгайтириш, таълим соҳасидаги ҳамкорликни янги bosқичга кўтариш, маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашда яққол намоён бўлади.

Имзоланган келишувлар нафақат иқтисодий ва сийсий соҳаларини, балки таълим ва маданият соҳаларини ҳам қамраб олади. Бу эса Ўзбекистон ва Малайзия муносабатларини янги bosқичга олиб чиқиш учун мустаҳкам замин яратди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Малайзия ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари барқарор ривожланиш йўлида, давлатимиз раҳбарининг Малайзияга расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда янги bosқич бошланишини белгилаб берди. Имзоланган стратегик шериклик қарорлари минтақавий ҳамкорликнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.



“Ўзбекистон — 2030”

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг “Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш” йўналишида юртимизнинг глобал транспорт-логистика тармоқларига интеграциясини чуқурлаштириш ва миллий транспорт тизими салоҳиятини оширишга устувор аҳамият қаратилган.

Айни мақсадда мамлакатимизда транспорт-логистика тизимини жадал ривожлантириш, транспорт инфратузилмасини ахишлашга инвестицияларни жалб қилиш, юк ташишлар бозорида соғлом рақобат муҳитини яратиш борасида қатор изчил чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Транспорт соҳасидаги йирик инфратузилма лойиҳалари мамлакат худудларининг ўзаро боғланганлигини таъминлаш ва транспорт йўлакларини диверсификация қилиш вазифаларини ҳал этиш имконини беради.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 27 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг транспорт-логистика тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ҳам стратегияда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, тизимни 2030 йилгача ривожлантиришнинг устувор йўналишларини бўйича қатор вазифалар белгиланган.

Юртимиз тарихан Буюк ипак йўлида жойлашган ва савдо-сотик, илм-фан ва маданият ривожланган ҳудуд сифатида минтақа ва жаҳон тамаддунида муҳим ўрин тутган.

Мамлакатимиздаги кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнида Ўзбекистоннинг Шарқ ва Гарбни боғловчи муҳим кўприк сифатидаги ўрнини мустаҳкамлаш, транспорт-логистика йўлакларини имкониятини янада ошириш бўйича муҳим ташаббуслар илгари сурилмоқда.

Мазкур қарор транспорт-логистика хизматлари бозори ва инфратузилмасини янада ривожлантириш, транзит салоҳиятини ошириш, истиқболли транспорт йўлакларини шакллантириш, экспорт-импорт операциялари қийматида транспорт харажатларини камайтириш ҳамда ташқи бозорларга юкларни

ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ



етказиб бериш мuddатларини қисқартириш мақсадларига хизмат қилади.

— Қарор билан мамлакатимиз транспорт-логистика тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди, — дейди Транспорт ва логистикани ривожлантириш муаммоларини ўрганиш маркази директори Бекзод Холматов. — Концепциянинг асосий мақсади иқтисодиёт ва бизнеснинг юқори сифатли юк ташиш хизматларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш, мамлакат транзит салоҳиятини тўлақонли рўёбга чиқариш, экспорт-импорт операциялари қийматида транспорт харажатларини камайтириш ва истиқболли транспорт йўлакларини шакллантиришга қаратилган ислохотларни давом эттиришдан иборат.

Шу билан бирга, жорий йилги чора-тадбирлар режаси ҳам белгиланди. Хусусан, автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортини халқаро юк ташиш умумий ҳажмини, транспорт ва логистика хизматлари экспортини 2 бараваргача ошириш, барча транспорт турларида йиллик транзит юк ташиш ҳажмини 22 миллион тоннага, транспорт хизматлари

ҳажмини эса 3 миллиард долларга етказиш масалалари қўйилди.

Марказ зиммасига халқаро транспорт йўлаклариде юзага келаётган муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимлари, истиқболли транспорт йўлакларини шакллантириш, тадбиркорлик субъектларининг транспорт-логистика хизматларидан фойдаланишдаги сарф-харажатларини камайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, транспорт-логистика ва транспорт-экспедиторлик хизматлари бозорини ривожлантириш каби қатор вазифалар юклатилди.

Ҳужжатда халқаро ташувчиларга қулайлик яратиш мақсадида давлат чегараси орқали автомобиль ўтказиш пунктлари янгида электрон навбат тизими ва кутиш зоналари ташкил этилади.

Бу эса, ўз навбатида, давлат чегараларида транспорт воситалари тўпланиб қолишининг олдини олиш билан бирга, ташувчиларга қўшимча маълумотлар ҳам беради.

Шунингдек, транспорт-логистика тизимини тақомиллаштириш ишлари доирасида халқаро транспорт коридорларини диверсификация қилиш, транспорт инфратузил-

масини яхшилаш, юртимиз орқали ташиладиган юк ҳажмини ошириш ҳамда миллий транспорт-экспедитор, логистик корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлашни давом эттириш каби чора-тадбирлар кучайтирилади.

— Транспорт-логистика тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида биринчи йўналиш сифатида халқаро транспорт коридорларини диверсификация қилиш масаласи қўйилган, — дейди Б.Холматов. — Бундан қатор янги йўналишлар, жумладан, Покистон орқали оқиқ океанга чиқиш, муқобил йўналишлар, Ўрта коридорларини ривожлантириш ва Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон ва Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон йўналишларида юк ташиш ҳажмини ошириш борасида вазифалар белгиланган.

Иккинчи йўналиш — мамлакат транзит салоҳиятини тўлақонли рўёбга чиқариш. Бунда асосий эътибор Ўзбекистон худудини ўтувчи янги минтақавий транзит йўлакларини шакллантириш ва қўшимча транзит юк оқимларини жалб қилишга қаратилган. Хусусан, МДҲ мамлакатлари — Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон — Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари транспорт

беради. Алоҳида таъкидлаш жоизки, музей фондида сақланаётган 200 дан ортқ ноёб экспонатлар Ўзбекистон тарихи ва маданиятига оид, уларни ўрганиш ва тадқиқ этиш бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бундан ташқари, зиёрат туризмининг ривожлантириш, “Умра плус” дастури доирасида малайзиялик сайёҳлар учун қўшимча имкониятлар яратиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Хабарингиз бор, Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимнинг Самарқандга ташрифи доирасида ташкил этилган Ўзбекистон — Малайзия тадбиркорлар бизнес-форумида икки давлат олий таълим муассасалари

воситаси ҳаракатланган, — дейди Божхона назорати ва расмийлаштирувини ташкил этиш бошқармаси бўлим бошлиғи Санжабек Соиров. — Айни пайтда бир кунда 9 мингдан ортқ автотранспорт воситаси кириб чиқмоқда. Соҳадаги жадал ислохотлар натижасида мамлакатимиз экспорт-импорт салоҳияти ошиб бормоқда. Натижада транспорт воситаларни оқими кун сайин кўпаймоқда.

Ҳужжатда чегара ўтказиш пунктлари ўтказувчанлик қобилиятини ошириш мақсадида уларни модернизация қилиш ва кенгайтириш чораларини кўриш ҳамда барча ташувчилар томонидан халқаро юк ташиш шартларига риоя этилиши устидан давлат назоратини сўзсиз таъминлаш вазифаси қўйилган.

Шунингдек, давлат чегараси орқали автотранспорт йўналишида автотранспорт воситаларининг электрон навбат тизими жорий этилиши белгиланган. Дастлаб бу тизим республикамиздан чиқиб кетаётган транспорт воситалари учун қўлланилади. Кейинчалик қўшни мамлакатлар билан мазкур тизимни интеграция қилиш ва маълумот алмашиш режалаштирилган. Шу билан бирга, мазкур ахборот тизими Транспорт вазирлигининг тегишли ахборот тизимлари билан интеграция қилинади. Электрон навбат тизими жуда катта қулайлик яратади. Биринчи навбатда, тирбандликнинг олдини олади, қолаверса, ҳайдовчига белгиланган навбат келганига қадар махсус ақратилган дам олиш худудларида вақтини ўтказишга имкон беради. Энг асосийси, экспорт маҳсулотлари сифати бузилмай, ўз вақтида хорижий ҳамкорларга етказилишини қамолгайлади.

Яна бир муҳим жиҳат: Соҳада рақамли ва инновацион технологияларни кенг жорий этиш, логистика кадрлари тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Концепцияда бу борада ҳам қатор вазифалар белгиланган.

Келгусида кадрлар тайёрлашда халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилди. Хусусан, Халқаро автомобиль транспортини титфиқой билан ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича минтақавий ўқув маркази ташкил этилади.

Мазкур қарор амалга таъбиқ этилиши натижасида Жаҳон банкнинг Логистика самарадорлиги индексида Ўзбекистоннинг ўрнини 55-поғонадан паст бўлмаган даражагача кўтариш кўзда тутилган.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мулоҳаза

ДУНЁНИНГ МАФКУРАВИЙ
МАНЗАРАСИ



Азизбек ОМОНОВ,
социология фанлари бўйича
фалсафа доктори, доцент

Бошланиши 1-бетда

Бундай эзгу мақсадлар дастлаб БМТнинг Мингйиллик ривожланиш декларациясида, кейинчалик “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш кун тартиби” деб номланган салмоқли ҳужжатда белгилаб қўйилди. Хусусан, глобал аҳамиятга эга бўлган “Кун тартиби — 2030”нинг қисқа ва ўрта муддатларга мўлжалланган 17 та барқарор ривожланиш мақсади дунёнинг 193 мамлақати қаторида Ўзбекистон томонидан ҳам қабул қилинди.

Барқарор ривожланиш мақсадлари юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир инсон қадрини ва унинг шахсий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий, экологик ва ривожланиш ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ замонвий қарашларни ўзида жамлагани билан ҳам аҳамиятлидир. Бугун ҳеч бир фуқаро ўз муаммоси билан ўзи қолдирилмаган. Оддий фуқаро, тадбиркор, ёшлар, аёллар, ёши улугъ эканлиги билан ҳам муҳтож қатлам бўлсин, барчасининг ҳаракати, шунчаки тилда бўлган “камбағаллик” сўзи кучли ирода билан очикчасига айтилиб, бу тоифадаги фуқароларимизни юксалтириш учун масъул вазирлик ташкил этилди. Бугун ушбу вазирлик мутасаддилар ва жамоатчилик ҳаракати билан минглаб аҳолимизнинг камбағалликдан чиқиб, ишбилармон, ўзига тўқ оила бўлиб яшаши учун ҳаракат қилмоқда.

Гурур билан айтишимиз керакки, Ўзбекистон 2023 йили БҲМ индексида (SDG index) 71,1 балл билан 166 та мамлакат орасида 69-ўринни эгаллаб, 2022 йилдагидан 8 ғолиб юқорилашга эришди. Бунда юртимизда барқарор ривожланишнинг 10 та мақсади — камбағалликни қисқартириш, гендер тенглик, тоза сув ва санитария, барқарор шахарлар ва аҳоли пунктлари, тинчлик, адолатли, самарали институтлар ҳамда барқарор тараққиёт йўлида ижобий ўсишга эришилди.

Аҳолимизнинг 50 фоизини ташкил этадиган аёлларнинг барқарор ривожланишидаги ҳиссаси ҳам сезиларли даражада. Сўнгги етти йилда Ўзбекистонда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши кўпайди. Ишбилармон хотин-қизлар сафи икки баробар кенгайиб, ўз бизнесини йўлга қўйган аёллар сони 205 мингдан ошди. Юз минглаб аёллар касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди. Салкам ярим миллион опа-сингилмиз иш билан таъминланди. Ҳозирги кунда олийгоҳларда таълим олаётган талабаларнинг яримдан зиёдини қизлар ташкил этмоқда. Хотин-қизларни зиёли қилиш борасидаги давлатимиз сиёсати самарасини бера бошлади. Кувонарлиси, магистратуранинг давом эттираётган хотин-қизларнинг тўлов-контракт суммалари давлат томонидан қоплаб берилмоқда.

Албатта, юртимизда эришилаётган ютуқлар, натижалар мислсиз даражада экани бугун нафақат ўзимизда, қўшни давлатларда, балки жаҳоннинг энг йирик мамлакатларида ҳам эътироф этилмоқда.



Бу жараёнда фақат
уйғоқ жамиятлар ғолиб

Дунёнинг турли минтақасида кечаётган мафкуравий, сиёсий ва ҳарбий моҳаролар натижасида энг йирик компаниялар ва ишбилармон доира вакиллари тинчлиги кафолатланган юртни, худудни, келажаги учун аниқ барқарор жадал ривожланаётган мамлакатни ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш мақсадида танлайди. Айни дамда бундай халқаро тадбиркорлик макони янги Ўзбекистондир.

Бу юксак марралар, натижалар қачон шиддат билан давом эттирилади? Қачонки тинчлик бўлса! Шу ўринда бугун дунёда юзага келаётган янги хавф-хатарлар бундай эзгу мақсадларга эришиш йўлида жиддий тўсиқ бўлаётганини алоҳида қайд этиб ўтиш керак.

Хатарларни нималарда
қўраимиз?

Дунёда геосиёсий ва геоиқтисодий қарама-қаршилиқлар тобора кескинлашмоқда, халқаро муносабатлар тизимида юзага келаётган моҳаро ва зиддиятларни кучишлатиш орқали ҳал этишга интилишлар кучаймоқда. Бугун жаҳонда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принципларидан чекланиш, хавф-хатар ва таҳдидлар ечимига бирёклама қараш ҳолатлари кузатишмоқда. Айниқса, ҳар бир халқнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, суверен мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик, худудий яхлитлиги ва мустақиллигига қарши таҳдид ёки куч ишлатишдан тийилиш, юзага келган ҳар қандай низоми музокаралар йўли билан ҳал этиш борасида қатор саволлар тўпланиб қолган.

Шунингдек, аксарият ҳолларда адолат, ўзаро ҳурмат, тенглик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик тамойилларига панжа орасидан қараш ҳолатлари ҳамда ўзаро ишонч, бир-бирини тушуниш, очик ва конструктив мулоқот бобида инқироз кузатишмоқда. Илгари мақсад ва манфаатларини, асосан, дипломатия ва сиёсат йўли билан ҳимоя қилиб келган қудратли марказлар энди очикчасига босим ўтказиш, қарама-қаршилиқ ва тўқнашувлар йўлига ўтганига, кескинлик ва моҳаролар тобора кучайиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Афсуски, халқаро ҳамжамият томонидан олий қадрият сифатида тан олинган инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги ва ҳуқуқларини поймол этиш кўпгина мамлакатларда оддий ҳолга айланимоқда. БМТ маълумотларига кўра, 2023 йилда дунёда қуроли тўқнашувлар ўз бераётган худудлар сони 55 тага етган, зўравонлиқлар сони эса 28 фоиз кўпайган.

Бунга Украина, Фаластин, Сурия ва бошқа геосиёсий, қуроли зиддиятлар кечаётган худудларни келтириб ўтиш ўринли. Ачинарлиси шундаки, минглаб аёллар, ёш болалар, умуман, оддий тинч аҳоли мана шундай



даҳшатли фожиалар қурбонига айланимоқда. Бугун дунё бўйлаб кечаётган қуроли моҳаролар оқибатида ҳалок бўлганлар сони 14 фоиз кўпайган. Бундай талотўплар оқибатида дунё аҳолисининг 2,3 фоизи ўз юртини ташлаб кетишга мажбур бўлган. Бу Иккинчи жаҳон урушидан бери энг юқори кўрсаткичдир. Хуллас, вазият кун сайин издан чиқиб, чигаллашиб бормоқда.

Навбатдаги таҳдид сайёраимизда иқлим ўзгариши ва экологик вазият кескинлашуви, биохилма-хиллик қисқариши, атроф-муҳит ифлосланиши ва табиий ресурслар камайиши билан боғлиқ.

Тўғриси, бугун экологик хатарлар кун сайин “ҳалокати нукта”га яқинлашмоқда. Барқарор ривожланиш йўлида энг асосий

бинолар атрофида ёки бўш турган кенг майдонларда дархатзорлар ташкил қилиниши билан янги босқичга чиқди. Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё дунё бўйича иқлим ўзгаришидан энг кўп зарар кўраётган минтақалардан биридир. Кўп йиллик метеорологик кузатишлар сўнгги 30 йилда минтақамизда фавқулодда жазираси кунлар сони 2 қарра кўпайгани, ўртача ҳаво ҳарорати ошиб бориши ҳам дунёдаги умумий кўрсаткичлардан 2 баробар юқори экани ҳамда тоғлардаги музликлар майдонининг учдан бир қисми эриб битганини кўрсатади.

Таҳлилларга кўра, сув тақчиллиги туфайли минтақамиз давлатлари ҳозирнинг ўзида ҳар йили қарийб 2 миллиард доллар миқдорда зарар кўрмоқда. Йиллар ўтиб ушбу иқтисодий зарар ялпи минтақавий маҳсулотнинг 11 фоизига етиши мумкин. Яъни сув тақчиллиги муаммоси аллақачон муқаррар тус олгани ва бундан буён тобора чуқурилашиб бориши аниқ ҳақиқатдир.

Турли табиий офатлар, шиддатли демографик ўсиш, урбанизация жараёнлари ва санотлашув натижасида юзага келаётган техноген омиллар ҳам сув таъминоти ва экология билан боғлиқ вазиятга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу муаммоларни ҳал қилиш масаласи Ўзбекистон учун долзарб аҳамиятга эга. Негаки мамлакатимиз дунёдаги энг катта экологик офатлардан бири — Орол фожиасини бевоқифа ўз бошидан ўтказмоқда.

Президентимиз доимий равишда мамлакатларнинг биринчи раҳбарлари, масъул вакиллари иштирокида ўтказилаётган халқаро конференция, саммитлар, кенгайтирилган ва кичик мулоқотларда экологик вазиятни яхшилаш, сув танқислиги ва табиий офатлардан сақланиш ҳамда Орол муаммосини ҳамжиҳатликда, бирлашиб ҳал этиш ташаббуси, ғояларини илгари суриб келаётган.

Чунки бугун халқимиз глобал иситиш, экологик мувозанат бузилиши билан боғлиқ аномал об-ҳаво шароитлари, тез-тез юз бераётган қуроқчилик ва чанг бўронлари, ерларнинг шиддат билан деградацияга учраши ва қўллашди, биохилма-хиллик тобора қисқариб бориши, қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлиги пасайиши, ичимлик сув тақчиллиги, ҳаво ифлосланиши каби жиддий таҳдидлар билан юзма-юз яшамоқда. Ушбу глобал муаммо янги Ўзбекистоннинг 2030 йилга қадар шиддат билан барқарор иқтисодий ривожланишига ҳам тўсиқчилик қилаётган.

Биз, албатта, халқимиз бир тану бир жон бўлиб, жонажон она заминимиз атроф-муҳитини асраш ва экологик тоза, барқарор “яшил” иқтисодиёт сари интиломимиз керак.

Глобал иқтисодиётда тизимли узилишлар вужудга келиши, савдо, инвестиция ва инновация соҳаларида эркин алмашиш йўлида янги тўсиқлар пайдо бўлиши, товарлар ва хизматлар айланишининг издан чиқиши, энергетик хавфсизликка таҳдидлар ошиши тобора яққол намоён бўлмоқда. Шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдидлар ҳалокатли тус олиши оқибатида кўплаб минтақаларда ижтимоий беқарорлик содир бўлмоқда.

Ёшлар асосий драйверга
айланимоқда

Бугун барча соҳалар сингари таълимга эътибор юксалди. Мактабга таълим ва мактаб таълимининг йиллар давомида ечимини кутаётган масалалари ҳал этилмоқда. Бу соҳага хусусий боғча ва мактабларнинг кириб келиши давлат ва нодавлат сектор ўртасидаги яхши маънодаги рақобат муҳитини яратди. Самараси шунки, бугун ёш авлод замонавий таълим-тарбия олмақда. Ота-оналар фарзандини рақобатда етакчи бўлган замонавий боғча ва мактабга адолатли, рақамлаштирилган тизимлар орқали жойлаштириш имконига эга бўлди. Тошкент шаҳри ва вилоятларда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар очилиши

оид давлат сиёсатининг муҳим жиҳатига айланди. Натижада мактабларни битирган ўқувчилар бир вақтнинг ўзида дунёнинг энг нуфузли 10, 15, 20 тагача олийгоҳига қабул қилинган ҳақида хабарлар чиқаётган. Бунга ўрганиб ҳам қолдик. Бугунги давр ёшлари ўқишини, касб-ҳунар эгаллашини, асосийси, келажақда ким бўлишини фақатгина ота-она эмас, балки иқтисоди, қизқишдан келиб чиққан ҳолда ўзлари онлавий бамаслаҳат қарор чиқарадиган бўлди.

Янги Ўзбекистон ёшларининг эртанги кунга ишончи баянд. Юрт қорига яраш, унга муносиб фарзанд, етук кадр бўлиш, ўзи яшаб турган жамиятни барқарор ривожландириш, фаровон ҳаёт қарор қилиш билан айлантириш учун ўзини сафарбар этиш иштиёқи баянд.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

янги авлод жадидлари, янги Ўзбекистонни барпо этадиган ёшлар тарбияланишига катта майдон бўляпти.

Жорий йилнинг январь ойида “Абу-Дабби барқарор ривожланиш ҳафталиги” доирасида юртимизда таълим тизими ютуқлари ҳақаро майдонда яна бир бор эътироф этилиши барчамизга қувонч бағишлади. Тошкент шаҳридаги Президент мактаби Шайх Зоид номидаги нуфузли муқофотнинг “Глобал ўрта мактаблар” номинациясида ғолиб топилди. Мактаб ўқувчилари Паҳлавон Туломов ва Асильбек Ашрапов ҳамда уларнинг устози Соҳибхон Азизовнинг ёмғир сувини ичишга ярқоли даражагача қайта ишлаш лойиҳаси ғалабани қўлга киритди. Танловга 156 та давлатдан жами 5980 та ариза келиб тушгани айтилди. Абу-Даббида муқофотни ўқувчиларга Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён шахсан топширди.

Таълимга берилётган эътибор самараси ҳар жабҳада, жумладан, БАА саммитида ҳам намоён бўлди. Ёшларимизнинг бу ажойиб муваффақияти барчамизга гурур ва ифтихор бағишлайди, шунингдек, биз танлаган барқарор ва “яшил” ривожланиш йўли нақадар тўғри эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Юртимизда олий таълим ҳам янги даврга юз тутди. Бугун ёшлар талабалikka қабул қилинишидан тортиб, олийгоҳни битириб, ишга жойлашиб, касб-ҳунар эгаллашга қадар ижтимоий назоратга олинди. Яъни тил, касб-ҳунар билишини қўллаш ва молиявий кўмак тизими яратилди. Бу ёшларга

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган давлат ва нодавлат олийгоҳлар ёшлари жамиятимизнинг турли бўғинларида етакчи кадр ёки раҳбар лавозимларига кириб келмоқда. Бир сўз билан айтганда, “Мана, мен янги Ўзбекистон бунёдкори бўламан!” деган минглаб ёшлар жамиятимизнинг асосий драйверига айланиб бормоқда.

Ўзбекистон олий таълимининг барча йўналишлари қаторида биргина соғлиқни сақлаш соҳасида таълим бераётган олийгоҳлар нафақат ўзбек ёшлари, балки хорижий мамлакатлардан келиб таҳсил олаётган минглаб талабалар, илмий изланувчи, тадқиқотчилар бор. Бу эса тарихий анъананинг такрорланиши, яъни буюк сиймоларимиз меросини ўқитиш, ўрганиш яна ўзимизга қайтганини аниқлади. Бу ютуқларнинг барчаси мамлакатимиздаги узокни қўзлаб юритилаётган ислохотлар натижасидир.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги дунёнинг глобаллашуви, ахборот ва мафкуравий хуружлар авж олган бир даврида Ўзбекистон тараққиёт йўлида юксак марралар сари одимлаб бормоқда. Бу борада мақсад ва вазифалар аниқ. Ҳар бир ватандошимиз, айниқса, аҳолимизнинг 60 фоиздан ортигини ташкил қиладиган ёшларимиз янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш каби улугъвор мақсадларни рўёбга чиқаришга шайланмоғи даркор. Айниқса, “Ўзбекистон менга нима қилди?”, деб эмас, балки “Мен юртим учун нима қилдим?” каби ғояларни ҳаётимизнинг широгига айлантиришимиз керак.

Мақолани тайёрлаш жараёнида ижтимоий тармоқлар орқали Тошкент шаҳри дунёнинг ҳавоси но-тоза шаҳарлари орасида биринчи ўринга чиқиб, деган хабарлар тарқалди. Бу ҳолатда кимдир пойтахт атрофини ўраб олган иссиқхоналарни айбдор қилиб кўрсатса, яна кимдир автомобиллардан чиқаётган қаратяи газу иситиш тизимлари мазут кўйлиғи билан ишлатилаётганини сабаб деб ҳисобламоқда. Бирок таҳлилчи ҳаҳатдан ёндашса, бу миш-мишлар тўғрисида таққидра яна айни муаммоларнинг марказида барбери инсон омили турйибди. Сабоби иссиқхоналардан даромад олаётган ҳам, автомобильлардан фойдаланаётган ҳам, мазут қаётганлар ҳам ўзимиз. Яна зарарли газлар пойтахтга осмондан ёғилаётгани йўқ, ердан кўтариляпти. Бу эса пойтахт экологийсининг асосий нажоткори — аҳолийнинг ўзи эканини яна бир бор исботлайди.



ОЛТИН БИЛАН ЁЗАЙЛИК

Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намоянаси, миллатимизнинг ғурури, шону шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир.



Тургун ЗИЯЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети фахрий доктори

Ўтган асрнинг 20-йилларида халқимиз ўртасида нафақат шоир, балки ҳар томонлама билимли, истеъдодли ва фидойи жамоат арбоби сифатида танилган Боту Ҳазрат Алишер Навоий ҳақида 1921 йилда ёзган “Навоий” номли шеъриси:

**“Навоийни севайлик,
Навоийнинг отини
Олтин билан ёзайлик...”**, деганди.

Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзулиқ ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шахс дунё адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Бунинг тасдиғини жаҳоннинг турли мамлакатларида, хусусан, Москва, Токио, Боку ва бошқа шаҳарларда бобомиз шарафига ўрнатилган муштаам ҳайкаллар мисолида кўриш мумкин. Яқинда эълон қилинган хабарга кўра, жорий йилда Дехли шаҳрида “Ўзбекистон боғи” барпо этилиб, Навоий бобомизга ҳайкал ўрнатилади. Бу, шубҳасиз, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Президентимиз ўтган йили Навоий вилоятига таширғида ҳудуд маънавий тарбия, матрифий юксалиш йўлида барчага ўрнак бўлиши кераклигини таъкидлади. 2025 йилни вилоятда “Алишер Навоий йили” деб эълон қилишни таклиф этди. Бу ташаббус доирасида ҳудудда республика танлови ва навоийхонлик кечалари ўтказилади, ёшлар боп китоблар чоп этилади, шоир асарлари бўйича фильмлар тайёрланади. Янги Навоий шаҳарчасида муштаам ҳайкал ўрнатилади ва музей барпо этилади.

1991 йил Ўзбекистонда “Алишер Навоий йили” деб эълон қилинган ҳамда бир қанча нуфузли илм-фан масканлари бобомиз номи берилган эди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда буюк аждодларимизга муносабат ҳар қанчонгидан ҳам юксак босқичга кўтарилди. Уларнинг маънавий-маърифий меросини ўрганишга эътибор тубдан кучайди. Хусусан, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини тадқиқ этиш, илмий-маданий меросини асраб-авайлаш ҳамда кенг оммалаштириш борасидаги ишларни янги босқичга

2025 йил 7 февраль, 27-сон

МАЪРИФАТ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

9 февраль — Алишер Навоий таваддуғ тоналган кун

Сиртдан қараганда, қадимда Шарқ аёллари ҳуқуқлари чегаралангандай, аммо уларнинг аксарияти давлат бошқарувида жуда катта ўрин эгаллаган. Диний ва дунёвий билимни чуқур билган, фарзандларини ана шу ирфон сути билан боққан. Эркаклар камолоти ва жасоратининг ўзаги бўлган. Улар ғалаба ва зафарларга, марра ва муродларга кутқу берган.



Фарида АФРЎЗ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюмси раиси ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Навоий тарихий шоирларимиз ҳақида “Насойим ул-муҳаббат” ва “Мажолис ун-нафоис” асарларида баён этган. Куйида уларнинг баъзилари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Робия Адавия. “Насойим ул-муҳаббат”да сўфий аёл Робия Адавияга бир саҳифа ажратилди. Бу аёл Басра шаҳрида, улуг шайх Ҳасан Басрий замонида яшаган, ўз даврини ларзага солган энг машҳур ва афсонавий орифа аёли бўлган. У ҳақда буюк Фаридудин Аттот “Тазкират ул-авлиё” асарида 18 саҳифа ҳикоя қилади.

Меҳри Ҳиротий. XV асрнинг биринчи ярмида Ҳиротда яшаган шоира. Меҳрининг эри Хожа Абдулазиз Шоҳрух мирзонинг сарой табиби бўлган. Меҳри софдил, равшанфикр, истеъдодли, ширинсухан ва ҳозиржавоб бўлгани учун халифа Гавҳаршодбегимнинг яқин суҳбатдоши — нади-маси эди. “Тазкираларда қарийб бир овоздан Меҳрининг ниҳоятда гўзал бўлгани қайд қилинади”, дея таъкидлайди Навоий. Шоиранинг бизгача етиб келган шеърлари инсоннинг ибтидоиси ва интиҳоси ҳақидадир. Мана шу икки нуқта орасидаги мураккаб ва чигал умр достонидир. Меҳри фитна-фужурлар боис, бирмунча муддат Шоҳрух томонидан зиндонбанд қилинади. Лекин зиндонда туриб битган шеърлари уни халос этади. Шоира шеърларида дидил айтилган фикрлар, аниқ ҳис-туйғулар, аламли армонлар гўзал бадий образларда баён этилади.

Меҳри Ҳирот адабий муҳитида катта ҳурматга сазовор, таниқли шоира бўлган. Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарининг “Жамоати маҳодим ва азизлар зикрида-ди, бу фақир аларнинг шариф замонининг охирида эрдим ва мулозиматлари шарафига мушарраф бўлмадим”, деб афсусланади. Навоий тазкирада шоира байтларидан мисоллар келтиради.

Биҳи ҳар хореки,
он аз хоки ман ҳосил шавад,
Зоҳид ар мисков созад,
мас-у лояқил шавад.



(Мазмуни: Сенинг қоматинг юра бошла-са, сарви ҳам ўз бандаси қилади, ҳам озо-д қилиб юборди).

Бедиллий. Навоий тазкирада ёдга олган яна бир шоира Бедиллийдир. Асарда унинг куйидаги матласини Навоий намуна сифатида келтирган:

Равам ба боғу зи наргиси
ду дид ва м кунад
Ки, то назоран он сарви
хуш хиром кунам.

(Мазмуни: Сенинг қоматинг юра бошла-са, сарви ҳам ўз бандаси қилади, ҳам озо-д қилиб юборди).

Бедиллий. Навоий тазкирада ёдга олган яна бир шоира Бедиллийдир. Асарда унинг куйидаги матласини Навоий намуна сифатида келтирган:

Равам ба боғу зи наргиси
ду дид ва м кунад
Ки, то назоран он сарви
хуш хиром кунам.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-246.
30060 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



ҲАЗРАТ НАЗАРИ ТУШГАН ШОИРАЛАР



(Мазмуни: Мен боққа борар эканман, наргисинг икки кўзидан баҳраманд бўлиб, унинг гўзал қоматини кўриб хушуд бўламан...).

Навоий тазкирасида Бедиллийнинг оиласидан уч ижодкор — ўғли Шайхзодаи Ансорий, турмуш ўртоғи Шайх Абдулло ва ўзи ҳақида маълумот берган. Ўғлининг илми, ноёб истеъдодга эга эканини таъкидлаган. Шайх Абдулло ҳам мажнунроқ бўлишига қарамай, яхши шеърлар ёзгани ҳақида айтган. Ҳазрат бир оиладан етишиб чиққан уч шоир ҳақидаги маълумотни бир



(Мазмуни: Сенинг қоматинг юра бошла-са, сарви ҳам ўз бандаси қилади, ҳам озо-д қилиб юборди).

Бедиллий. Навоий тазкирада ёдга олган яна бир шоира Бедиллийдир. Асарда унинг куйидаги матласини Навоий намуна сифатида келтирган:

Равам ба боғу зи наргиси
ду дид ва м кунад
Ки, то назоран он сарви
хуш хиром кунам.

ўринда келтиради. Оиладаги эркагу аёл ижодкор эканини ҳавас билан эътироф этади: “...Деса бўлурким, анинг уйида заномарди хуш таъбдурлар”.

Бибиҷаи Мунажжима. Ҳиротдаги катта шоира, ҳам давлат ва жамоат арбоби, сиёсатчи, сўфий аёл бўлган.

Бу номни биз “Насойим ул-муҳаббат” асари орқали ҳам яхши биламиз. Унинг “Эркаклар мартабасига етган ориф аёллар зикри” деб номланган сўнгги қисмида Бибиҷаи Мунажжима 35 орифа аёлдан бири сифатида тавсифланган: “Бибиҷаи Мунажжима Кирмон мулкидидур. Мазкур бўлгон илмда (тасавуф ва авлиёлик илмида) ўз замонининг саромади эрди, аммо майли дарवेशлик сари эрди. Замон подшоҳи илтифот ва таъзим кўп қилур эрди ва подшоҳ ҳарамлари узамойи хавотини бағоят ҳурмат тутарлар эрди. Оқибат барчанинг ихтилолоти тарқ қилиб, ҳиббон бошида ўз манзили жавориди масжиди жомеъ ясади ва мулку асбоби анга вақф қилди, андоқким, ҳоло равнақи бор ва қасир халойиқ анда намоз қилурлар”.

Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да Мунажжимага орифа аёл сифатида батафсил тўхталган. Шу сабабли “Мажолис ун-нафоис”да Алоуддин Кирмоний фолжиятини ёритаркан, фақат унинг опаси эканини таъкидлайди, холос.

Аммо бошқа тазкираларда унинг қилган ишлари ҳақида маълумот келади. Ҳирот адабий муҳитидаги ўрни таъкидланади. Абдурахмон Жомий билан устоз шогирдлик мақомида бўлгани эсланади. Бибиҷаи Мунажжима ўз даврининг нозик-фаҳм ва орифа аёлларидан бўлиб, айниқса, юлдузлар илмида унингдек тенги йўқлиги, дунёвий илмлари ҳам билгани ва кўп фазилатларни касб қилгани боис, султон ва амирлар уни ҳурмат қилар эди. Демак, унинг Мунажжима деб тахаллус олиши бежиз бўлмаган. Бу эса қадимда аёллар фақат адабиёт ва санъат билан эмас, балки илм-фан билан ҳам шуғулланганини кўрсатади. Навоий унинг масжид, ҳаммом қуриб, халққа хизмат қилганини таъкидлайди.

Навоий номларини тилга олган барча тарихий қаҳрамонлар асарларидаги бадий тўқима образларнинг тимсоли эди. Чунки улар ўқимишли аёл, шоира бўлибгина қолмай, иқтисодиётда, мантиқда, вонзликда, ҳатто рақсда ҳам илгор, давлат арбоблари, етук маслаҳатчилар эди. Энг муҳими, Навоий асарлари аёллари ҳаётсевар, бунёдкор, олийҳиммат ва олижанобдилар.

Сиртдан қараганда, қадимда Шарқ аёллари ҳуқуқлари чегаралангандай, аммо уларнинг аксарияти давлат бошқарувида жуда катта ўрин эгаллаган. Диний ва дунёвий билимни чуқур билган, фарзандларини ана шу ирфон сути билан боққан. Эркаклар камолоти ва жасоратининг ўзаги бўлган. Улар ғалаба ва зафарларга, марра ва муродларга кутқу берган.

Бу муҳтарама оналар ҳақида ҳикоя қилаётиб, бир жиҳатни англадим. Шоирлик қисмат эканини билардим, аммо элнинг шоири бўлиш учун биргина унинг ўзи етмаслигини, юрт қайғуси, ватан шуқуҳи, шоирлик парвозининг иккинчи қаноти эканини янада чуқур билдим. Бир илҳомнинг ўзи кифоя эмаслигини, унинг атрофида чуқур билим ва меҳнат, сабр ва матонат, бардош ва диёнат кераклиги аён бўлди. Ҳазрат Навоий эътироф этган аёл шоираларга ҳавас қила-қила, бизнинг битигимизга Навоийдек кучешни берган Аллоҳга ҳамду санолар айтаман.

Юрагингга қил ҳам сизмаса,
Меҳрисизлик дилинг тилгаса,
Бу ҳолингдан эконинг талваса
Қилса агар Навоийга айт,
Ўқи кетиб, Ҳазратингга қайт!

Сотиб кетса энг яқин дўстинг,
Битмас бўлса ҳеч каму кўстинг,
Дароҳтмисан, қай тараф ўсдинг,
Билмоқ бўлсан Навоийдан сўр,
Дўст топмассан Ҳазратдан-да зўр!

Йўлиққанинг бўлса ҳиёнат,
Учиб кетса қўлингдан омад,
Осмон тушиб, бўлса қўямат,
Навоийдан топарсан паноҳ,
Ҳазрат эрур ҳолингдан озоҳ!

Бу салтанат метин кўргондир,
Унда яшар ҳар ким омондир,
У жаннатдир, Эрам бўстондир,
Навоийни айлайлик таваф,
Ҳазрат эрур энг олий савоб!

Магар сенга илм керакдир,
Дуо керак, тилан керакдир,
Ишқ керакдир, кўнгул керакдир,
Навоийдан топарсан ўзни,
Ҳазрат айтар ул ҳолис сўзни!

О, юракка малҳам Навоий,
Ҳар гарибга ҳамдам Навоий,
Заррангизман мен ҳам, Навоий,
Яғонамсиз, сизгадир таъзим,
О султони, хоним, ҳазратим!

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун убунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида ҳафизаланган.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz (71) 233-47-05

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй
Ўза яқини — 20:53 Топширилди — 23:35